



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АВИАЦИЯ
ҚОИДАЛАРИ
174-ҚИСМ**

**ФУҚАРО АВИАЦИЯСИДА АЭРОНАВИГАЦИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИ ХИЗМАТИ
(ФА АМХ АҚ-2003)**

ТОШКЕНТ Ш - 2003 й.

Расмий таржима емас

**Ўзбекистон Республикаси парвозлар
хавфсизлигини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН
2002 йил 27
№155 - сон**

**ФУҚАРО АВИАЦИЯСИДА АЭРОНАВИГАЦИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИ ХИЗМАТИ
(ФА АМХ АҚ-2003)
ЎзР АҚ - 174**

МУҚҚАДИМА

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида парвозларни амалга оширувчи барча ҳаво кемаларини аэронавигация маълумотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий нормаларини белгилайди ва тартиботларини ўрнатади.

Қоидаларда кўрсатилган ташкилий ва техник талабларни бажариш парвозлар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий негизи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш ва бу хизматларни ташкил қилиш соҳасидаги талабларни ўз ичига олган, бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қоидаларнинг сертификатлаш талаблари ҳисобга олиниши зарур.

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида парвозларни амалга оширувчи барча ҳаво кемаларини аэронавигация маълумотлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий нормаларини белгилайди ва тартиботларини ўрнатади.

Қоидаларда кўрсатилган ташкилий ва техник талабларни бажариш парвозлар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий негизи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш ва бу хизматларни ташкил қилиш соҳасидаги талабларни ўз ичига олган, бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қоидаларнинг сертификатлаш талаблари ҳисобга олиниши зарур.

I БОБ. АСОСИЙ ТАЛАБЛАР ВА УМУМИЙ НИЗОМЛАР.

1. Фуқаро авиациясида аэронавигация маълумотлари хизмати авиация қоидалари (кейинги ўринларда ФА АМХ АҚ) қуйидаги ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган:

- а) Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низоми;
- в) Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидалари;
- г) Аэронавигация маълумотлари органлари фаолиятига таалукли бўлган ИКАО стандартлари ва тавсия қилган амалиёти асосида.

2. Ушбу Қоидалар аэронавигация маълумотлари хизмати ва хизматчиларининг, фуқаро авиациясида аэронавигация маълумотлари билан таъминлашда иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг вазифалари ва функцияларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг аэронавигация маълумотлари хизмати ўзининг иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва битимлар ҳамда ушбу қоидаларга мувофиқ амалга оширади.

4. Ушбу Қоидаларнинг талаблари фуқаро авиациясида парвозларни ташкиллаштириш ва уларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлашда иштирок этувчи авиакомпанияларнинг, ташкилотларнинг ва корхоналарнинг ҳамма мансабдор шахслари учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик қоидаларига биноан парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлашда иштирок этувчи ҳамма мансабдор шахслар ушбу қоидаларнинг талабларини билишлари керак ва уларни талабларини бажаришга жавобгардирлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш “Узаэронавигация” Маркази қошидаги аэронавигация маълумотлари хизмати зиммасига юклатилган (кейинги ўринларда АМХ).

7. Халқаро Фуқаро авиацияси Конвенциясининг 28 моддасига биноан аэронавигация маълумотлари хизмати томонидан фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ёки бошқа ҳудудларда парвозларни амалга оширишлари учун мўлжалланган ҳар қандай ва тўлиқ берилган маълумотлар, диспечерлик хизмати ва бошқа турдаги кўрсатилган хизматлар учун давлат жавобгардир.

8. “Ўзбекистон Республикасининг аэронавигация маълумотлари” тўпламида чоп этиладиган ҳар қандай аэронавигация маълумотлари

ўрнатилган стандартларга тўғри келиши ва уларнинг бир хиллиги таъминланилиши шарт.

9. Аэронавигация маълумотларини (кейинги ўринларда АНМ) бир хиллигини, келишилганлигини таъминлашда ва уларни оператив мақсадда автоматлаштирилган тизимларни қўллаб тарқатишда халқаро стандартлардан фойдаланилади.

Аэронавигация мақсадлари учун фуқаро авиациясида географик координаталар (кенглик ва узунлик) 1984 йилда тадбиқ қилинган “Бутунжаҳон геодезия координаталари тизимида (кейинги ўринларда WGS–84)” аниқланади. WGS–84 ҳақидаги батафсил кўрсатма материаллари 1984 йилда тадбиқ қилинган “Бутунжаҳон геодезия координаталари тизими (WGS–84)” (Doc 9674), қўлланмасида келтирилган. Вертикал сатҳини аниқлаш тизими сифатида ўртача денгиз сатҳи белгиланган ва у гравитацияларга боғлиқ бўлган боғланишларни таъминловчи геоид деб аталадиган ер сатҳига нисбатан баланд бўлган баландликларга (ортикча баландликларга) ишлатилади.

Вақтни аниқлаш тизими сифатида Григориан тақвими ва бутунжаҳон мувофиқлаштирилган вақти ишлатилади

9¹ ИКАО қисқартмалари аэронавигация маълумотлари хизмати томонидан ҳар доим фойдаланилади ва улардан фойдаланиш маълумотларни (ахборотларни) тарқатишни енгиллаштирадиган барча ҳолларда ишлатилади.

9² Аэронавигация маълумот хизмати (АМХ) да автоматлаштириш тизими маълумотларни жўнатилиш тезлигини ошириш, аниқлиги ва самарадорлигини ошириш ва маълумотларни энг кам харажат билан жўнатишни амалга ошириш мақсадида жорий этилади.

10. Аэронавигацион маълумотлар ҳақидаги тўпламларни ишлаб чиқишда керакли аниқликдаги маълумотлардан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи маълумотлар чоп этилган норматив ҳужжатлардан фойдаланилади.

11. Аэродромларга, парвозларга хизмат кўрсатиш ва таъминлаш хизмати шунингдек тегишли аэронавигацион воситалардан фойдаланишга масул органлар, АМХ ишлаб чиққан маълумот манбаи ва унинг ёрдамида белгиланган шаклда ишлаб чиқаришга масул органлар ҳисобланади.

12. Ҳар қандай фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг эксплуатантлари, ўзларини аэронавигация маълумотлари, ускуналарининг ишлаши ва уларни эксплуатация қиладиган хизматлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлигини таъминлашлари керак. Эксплуатантлар маълумотларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида олишлари керак. Аэродромларнинг ишлаши, навигацион ва радиотехник ускуналарнинг, метеорологик хизматлар кўрсатиш, алоқа, ҳаво ҳаракатини бошқариш турлари ва қоидалари ҳамда ҳаво кемаларининг парвозларига ҳаф солувчи ҳаво ҳудудидаги чекланишлар ҳақидаги ва бошқа аэронавигацион маълумотлар шулар таркибига киради.

13. Ҳаво кемасининг командири (экипаж аъзолари) муайян парвоз учун зарур бўлган ҳамма аэронавигация маълумотлари билан танишган бўлишлари керак. Учувчилар ва бошқа экипаж аъзолари ҳаво худудидан учиб ўтадиган бошқа давлатларнинг қоидалари ва тартиботларини билишлари керак.

14. Ҳаво кемасининг бортида эксплуатант томонидан ўрнатилган ва белгиланган тартибга мувофиқ керакли малумот материаллари бўлиши шарт, ҳаво кемаси бортида керакли ва ишлатишга лойиқ аэронавигацион маълумотлар бўлмаса ҳеч қандай парвозларни амалга ошириш мумкун эмас.

15. АМХ раҳбари ёки фуқаро авиацияси назорат қилувчи органлар тақдимномасига биноан фуқаро авиациясининг структуравий органлари, корхоналари комплекслари ва бошқа, хизматларининг мансабдор шахслари чоп этилган аэронавигация маълумотлардаги ҳато кетган маълумотларни ва ноаниқликларни тезкор равишда бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

II БОБ. АЭРОНАВИГАЦИОН МАЪЛУМОТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАСИ.

16. Фуқаро авиациясида аэронавигация маълумотлари хизмати куйидаги органларни ўз ичига олади:

а) “Узаэронавигация” Маркази қошидаги аэронавигация маълумотлари хизмати;

б) парвозларни аэронавигация таъминоти аэродром органлари (ПАНТ);
Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэронавигация малумот органларининг тузилма схемаси №1-сонли иловада келтирилган.

III БОБ. АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ ХИЗМАТИ.

17. АМХ керакли аэронавигация маълумотлари билан Ўзбекистон Республикасидаги ҳамда унинг чегарасидан ташқарида жойлашган барча манфаатдор фойдаланувчиларга тегишли аэронавигация маълумотларини тақдим этишни таъминлайди. Фуқаро авиацияси тизимидаги аэронавигация малумот хизматининг ўзаро ҳамкорлик схемаси ва ўрни №2-сонли Иловада келтирилган. АМХ халқаро ташкилотлар ўртасида ўз фаолияти йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалайди.

18. АМХ нинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

а) Ўзбекистон Республикаси худудида фуқаро авиацияси парвозлари хавфсизлиги ва мунтазамлигини таъминлаш учун зарур бўлган, фуқаро авиацияси аэродромлари ва ХХБ районларига аэронавигация маълумотларини қабул қилиш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш;

б) стандарт формадаги аэронавигация маълумотларини чоп қилиш(АИП, ПАОБЙ, АНМ тўпламлари, НОТАМ);

в) Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси аэродромларининг парвоз қилиш схемаларини ишлаб чиқиш, ҳаво кемаларининг учиш ва қўнишлари учун аэродромларнинг эксплуатацион минимумларини ҳисоблаш ва уларни аэронавигация маълумотлари тўпламларида чоп этиш;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги НОТАМларни доимо анализ қилиш ва АНМ нинг бошқа ҳужжатларида ва трассалар ҳақидаги тўпламда шунингдек ПАОБЙ, АИП да баён қилинган маълумотлар чоп қилингандан сўнг, ўз вақтида ҳаракатдаги НОТАМлардан уларни чиқариб ташлаш;

д) фуқаро авиацияси эксплуатантларга, шунингдек, фуқаро авиацияси хизматлари ва бўлинмаларини, таминлашни ташкил этувчиларни, хизмат кўрсатиш ва парвозларни бошқаришга керакли аэронавигация маълумотларини тижорат асосида ўз вақтида тақдим этиш;

е) АНМ ҳужжатларида чоп қилинган Ўзбекистон Республикаси бўйича аэронавигация маълумотларининг ҳаққонийлигини назорати ва бир хиллигини мунтазам равишда таҳлил қилиш

ж) фуқаро авиациясида аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш тизимини ривожлантиришга қаратилга асосий йўналишларнинг чора ва тадбирларни ишлаб чиқиш;

з) АМХ ни бошқа корхоналар, комплекслар, фуқаро авиациясининг структур хизматлари, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг манфатдор органлари ва хорижий давлатларнинг АМХ лари билан аълоқа қилишини таъминлаш;

и) АНМ ҳужжатларига киритиладиган картографик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, аэронавигация хариталарини (чизмаларини) ишлаб чиқиш ва уларни чоп қилиш.

19. АМХ бошлиғининг сўровига биноан авиакомпанияларнинг, корхоналарнинг ва комплексларнинг бошлиқлари керакли маълумотларни аэронавигация маълумотлари ҳужжатларида чоп қилинишини таъминлаш мақсадида уларни ўз вақтида беришлари шарт.

20. АМХ га қуйидагилар учун жавобгарликлар юкланади:

а) ушбу Қоидаларнинг 18-бандида белгиланган асосий вазифаларни бажариш;

б) АНМ ҳужжатларини ва уларга киритиладиган ўзгартиришларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, уларнинг мазмунини тўлақонлиги ва ўз вақтида чоп қилинганлиги;

в) АНМ ҳужжатларида чоп қилинган маълумотларнинг тасдиқланган маълумотларга тўғри келиши.

21. АМХ ўз фаолиятини бошқариш учун “Аэронавигация маълумотлари хизматининг” Низомини, лавозим йўриқномаларини, иш технологияси ҳамда ўз техник ходимлари учун дастлабки ва даврий тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқади.

21¹ АМХ ўзининг техник ходимларини дастлабки тайёргарликдан ўтиши ёки қайта тайёрлаш учун ҳисобот файлларини ишлаб чиқади ва олиб боради. Тегишли таёргарлик ва таълим олишни ўтиш ҳақидаги барча

тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари шахсий файлга илова қилиниши керак.

21² Аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш органлари ходимларининг бирламчи тайёргарлиги ёки малакаларини ошириш ўқув-машқ марказларида (ЎММ) ларида махсус дастурлар бўйича олиб борилади. Ҳодимларнинг малакаларини ошириши(ҲМО) 3 йилда камида 1 марта ўтказилиши шарт.

22. Қўйилган вазифаларни бажариш учун АМХ ва аэродромлар қошидаги ПАНТ органлари компьютер техникаси, нусха кўчириш ускуналари ва бошқа материаллар билан керакли миқдорда таъминланадилар.

IV. БОБ. АМХ НИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭКСПЛУАТАНТЛАРИ, АВИАЦИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ, ИДОРАЛАРИ ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРНИНГ АМХ ЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШИ.

23. АМХ қуйидаги ташкилотлар билан алоқа қилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг авиация ташкилотлари ва эксплуатанлари билан;

б) Ўзбекистон Республикасининг ҲХМҚ ва ҲХК, АМХ ва Қуролли кучларнинг бош штаби билан;

в) Ўзбекистон Республикаси “Ўзавиация” агентлиги билан;

г) аэронавигация маълумотларига эга бўлиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикасининг ташкилотлари ва идоралари билан;

д) бошқа давлатларнинг АМХлари билан;

е) Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг аэродромлари (аэропортлари) бошлиқлари (директорлари) билан;

ж) аэродромлар қошидаги ПАНТ органлари билан.

24. Ушбу қоидаларнинг 23-бандида белгиланган вазифаларни бажариш ва бу вазифаларни бажаришдаги АМХ билан ҳамкорликни ташкиллаштириш АМХ бошлиғининг зиммасига юкланади.

25. Аэронавигация маълумотларини тазкор (оператив) йиғишни ташкиллаштириш, алмашиниш, ва уларни жунатиш учун АМХ электрон почта, телефакс, халқаро телефон линияси, ҳамда авиация алоқа линиялари (АФТН, СИТА) ва интернет билан таъминланадилар.

V БОБ. АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ.

26. Аэронавигация маълумотларини асосини ташкил қилувчи материаллар қаторига қуйидаги маълумотлари киради:

а) аэродромларнинг жойлашиш жойи, уларнинг жойга нисбатан географик боғланиши, магнит оғишлари, учиш-қўниш йўлагининг размерлари ва уларнинг жойлашиши, бошқарув йўлаклари, перронларнинг маркировкаси, уларни жойлашиши ва ҳаво кемаларини туриш жойлари, учиш

майдончаларини ва аэродром худудидаги тўсиқлар ва уларнинг тўсиқ чироқлари;

б) ҳаво кемаларини учиш ва қўнишини таъминлайдиган радио ва электрчироқли ускуналар билан аэродромларнинг таъминланганлиги (ишлаш вақти, частотаси, категорияси, жойлашиши) ва уларнинг жойлашуви;

в) ҳаво худудининг структураси, ҳаво трассаларининг ускуналари ва ҳаво трассаларини радиотехник навигацион ускуналар, алоқа ва уларни ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими билан таъминланганлиги (ишлаш вақти, жойлашиши, частотаси, вертикал ва горизонтал чегаралари, бошқариш секторлари, минимал учиш баландликлари, худудлар чегараси) малумот етказиш пунктлари, парвознинг минимал хавфсиз баландлиги, чекловчи пеленглар, худуд чегаралари;

г) аэродром ва аэродромлар мажмуаси (аэроузел) худудларининг чегаралари;

д) учиш учун хафли ва таъқиқланган ҳамда парвозларни чегараловчи зоналар, уларнинг жойлашган жойи, баландлик ва вақт чегараларини кўрсатган ҳолда;

е) аэродром худудига ҳаво кемаларини киришини, чиқишини, пастлашишини ва аэродром худудига киришни, қўнишга киришини таъминлаб берувчи маневрларнинг тартиби;

ж) ҳаво кемаларини учиш ва қўниши учун давлат аэродром минимумлари;

з) метеорологик маълумотларни тарқатувчи станциялар (жойлашганлиги, ишлаш вақти, частоталари ва аэродромларнинг номи);

и) радиотехник ускуналарнинг ишлаш регламенти.

26¹ Учиш учун хафли, таъқиқланган ёки парвозларни чегараловчи зоналарни ўрнатилаётган вақтда ҳар бир зонага уни белгиловчи белги берилади ва улар ҳақида батафсил маълумот чоп қилинади:

а) диспетчерлик худудида/диспетчерлик зоналарининг ичида жойлашган бўлса унинг ён чегаралари, номи, белгиси географик координаталари градусда, минутда ва секундларда кўрсатилади, агарда улардан ташқарида жойлашган бўлса географик координаталари градус ва минутларда берилади;

б) юқори ва пастки чегаралари;

в) улар ҳақида илова, ишлаш вақтлари.

Иловада ушбу зона ҳақидаги чекланишлар ёки чекланишларнинг тури ва ушбу зонага кириб қолганда тутиб олинishi ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ушбу зона ҳақида шу тарзда берилган белгилар ҳамма чекланишлар ҳақида бериладиган огоҳлантиришнома маълумотларида кўрсатилади.

26² Учиш учун хафли, тақиқланган ёки парвозларни чегараловчи зоналарга берилган белгилар кўйидаги харф ва сонлардан иборат:

а) давлатни белгиловчи харф ёрдамида худуднинг индекси (кўрсаткичи) белгиланади;

б) «Р» - ҳарфи тақиқланган ҳудуд, «R» - ҳарфи парвозлар учун тақиқланган ҳудуд ва «D» - ҳарфи ҳавфли ҳудуд учун берилади;

в) давлат ёки ҳудуд миқёсида такрорланмас рақам.

Эслатма: Ҳарф билан белгиланадиган давлатнинг белгиси “Жойларнинг кўрсаткичлари (индекслари)” Doc7910 деган ҳужжатга мувофиқ бўлиши керак.

26³ Ҳудуд бартараф қилинганидан сўнг бир йил мобайнида унга тегишли бўлган сонли белгилар, тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида қайта қўлланилмайди.

26⁴ Ҳафли, таъқиқланган ёки парвозларни чегараловчи ҳудудлар ўрнатилганда уларга манфаатдор томонлар томонидар мурожат қилишларини енгиллаштириш мақсадида улар оддий геометрик кўринишда бўлиши ва кичик ҳудудларни қамраши керак.

27. Жамлаштирилган аэронавигация маълумотлари керакли аэронавигация маълумотлари ҳужжатларида чоп этилади. Аэронавигация маълумотлари сифатига бўлган талаблар ушбу қоидаларнинг №3-илоvasида келтирилган.

VI БОБ. АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ ҲУЖЖАТЛАРИ.

28. Аэронавигация маълумотлари ҳужжатларини ишлаб чиқишда бирламчи маълумотлардан фойдаланилади, уларга ушбу ҳужжатлар киради:

а) Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ҳамда Ҳалқаро фуқаро авиацияси ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясига тегишли қонунлар ва норматив ҳужжатлар;

б) Аэродромларда ПАОЙ асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси фуқаро аэродромлари тўплами;

в) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудуди таркибига, радиотехник ускуналар, ҳаво навигацияси ва авиация элекралоқа воситаларига тегишли маълумотлар;

г) картографик ва ҳудудларнинг топографик сьемкаларига тегишли маълумотлар;

д) ҳудуд ва тўсиқларнинг электрон маълумотлари;

е) Масъул шахслар томонидан тасдиқланган ва тақдим этилган аэронавигация ҳужжатлаштирилган маълумотлари.

29. Ўзбекистон Республикасининг аэронавигация маълумотлари ҳужжатларига қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон Республикасининг аэронавигация маълумотлари тўплами (АИП);

б) аэродромларда, аэроузелларда парвозларни амалга ошириш йўриқномаси (ПАОЙ);

в) Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси аэродромларининг аэронавигация маълумотлари тўплами;

г) Ўзбекистон Республикаси АМХ нинг аэронавигация маълумотлари тўплами;

д) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво трассаларининг тўплами;

е) махсус тайёрланган аэронавигацион, радионавигацион топографик хариталар;

ж) циркулярлар, НОТАМлар парвоз олди малумотлари бюллетенлари (ПОМБ);

з) СНОУТАМлар.

30. Ҳаво кемасининг бортидаги аэронавигация маълумотлари тўпламлари парвоз олди тайёрғалиги жараёнида шундай тўпламларнинг назорат нусхалари билан ўзгартиришларнинг номерига қараб солиштирилиши зарур.

31. Эксплуатантлар томонидан ишлаб чиқилган махсус йўриқнома аэронавигация маълумотлари тўпламларининг назорат нусхасига, ишчи нусхасига (бортдаги нусхасига) ва захирадаги нусхасига ўзгартиришлар, кўшимчалар киритиш, экипаж аъзоларига бериш ва уларни ҳисобга олиш тиртибини белгилайди.

32. Ўзбекистон Республикаси АМХнинг аэронавигация маълумотлари тўплами парвоз вақтида экипаж аъзолари томонидан қўлланиш учун ишлаб чиқилади ва Фўқаро авиацияси эксплуатантларининг ва бошқа ташкилотларнинг сўровига биноан тижорат асосида жўнатилади.

33. Қўлланувчиларга жўнатиладиган аэронавигация маълумотлари ҳужжатларидаги ва аэронавигация хариталаридаги маълумотлар тўлиқ, тўғри ва аниқ бўлиши керак ҳамда лозим бўлганда уларга ўз вақтида керакли (тўғрилашлар) ўзгартиришлар киритилиши лозим.

34. Аэронавигация маълумотлари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ўзгартиришлар киритиш махсус Методика билан белгиланади. Аэронавигация маълумотлари ҳужжатларида қўлланиладиган шартли белгилар ушбу қонданинг №4-илоvasида кўрсатилган.

35. Аэронавигация маълумотлари ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўхтатилган вақтдан бошлаб улар ўз кучини йўқотадилар.

VII. БОБ. АЭРОДРОМДА АЭРОНАВИГАЦИЯ МУХИТИ ЎЗГАРГАН ВАҚТДА ПАРВОЗЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШЛАШИ.

36. Аэродром бошлиқларининг зиммасига аэронавигация мухити ўзгарган вақтда аэродромда парвозларни ташкиллаштириш хизматлари билан АМХни ҳамжиҳатликда ишлашини ташкиллаштириш юклатилади.

37. Аэродромдаги парвозларни ташкиллаштириш хизматларининг бошлиқлари зиммасига келишилганлик ҳақидаги жавобгарлик ва ўз вақтида АМХга аэродромда керакли аэронавигация мухити ўзгарганлиги ҳақидани маълумотни жунатиш юклатилади.

38. Ҳар бир аэродромда “Аэронавигация муҳити ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар”ни қайт этадиган журнал юритилади. Журнал нусҳаси ушбу Қоидаларнинг №7-иловасида кўрсатилган.

39. Аэродромдаги хизматларнинг ҳолати ва аҳамиятига қараб аэродром бошлиғининг буйруғи билан “Аэронавигацион муҳит ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар” журнали сақланадиган, ундаги ёзувларга, журнални юритиш қоида-сига, аэронавигацион муҳит ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотларни қайт қилиш ва ушбу маълумотларни АМХга жунатишга маъсул аэродром хизмати (маъсул шахс) тайинланади.

40. Агар фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари ҚХМҚ ва ҚХК кўшинлари жойлашган аэродромлардан фойдалансалар, “Аэронавигацион муҳит ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар” журналини олиб бориш тартибини ушбу кўшин бўлинмалари бошлиқлари билан келишадилар.

41. Аэродромда парвозларни ташкиллаштириш хизматларининг бошлиқлари ва жавобгар мутахассислари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

а) “Аэронавигацион муҳит ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар” журна-лига режалаштирилган ва кутилмаган аэронавигацион муҳит ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ёзишга;

б) журналда қайт этилган ёзувлар асосида ўз вақтида тўлақонли маълумотларга эга НОТАМлар чоп қилинганлигига.

41¹ АМХга фақат аэропорт директорининг имзоси билан аэродромларнинг ёпилиши ва очилиши ҳақидаги НОТАМларни чоп қилиш учун билдиришномалар (телеграммалар) юборилади.

42. Аэродром қошидаги парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш органларининг мутахассислари томонидан журналда қайт қилинган аэронавигацион муҳитнинг тезкор ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотларни учигга кетаётган экипаж аъзолари етказадилар, ҳаво харакатини бошқариш органларининг мутахассислари эса, бундай маълумотларни учиб келаётган экипаж аъзоларига етказадилар ёки бундай маълумотлар АТИС маълумотларида берилади.

43. АМХга аэродромда аэронавигацион муҳит яъни парвозларни бажариш билан боғлиқ ва/ёки метео минимумларининг ўзгарганлигини акс этитрувчи маълумотлар келиб тушса, АМХ бошлиғи чоп қилинадиган НОТАМнинг матнини аэродромга тегишли авиация ташкилотини бош (катта) штурмани ёки Ўзбекистон Республикасининг авиация маъмурияти билан келишиши зарур.

44. Аэродромнинг, УҚЙнинг ёки парвозларни таъминловчи радиотехник ва ёритиш техник ускуналарининг ва аълоқа воситаларининг иш вақти, таъмирлаш, профилактик тадбирлар билан боғлиқ бўлган ишлари фақатгина ушбу жараён ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган НОТАМ олингандан сўнг бажарилиши керак.

44.1. Хаф солувчи, хаф туғдирувчи ёки тақиқланган худудлар, парвозларни чегараловчи худудларни, ҳаво худудидаги чегараланишларни ва авириявий кутқарув ишларини олиб бориш ҳақидаги хабарни амал қилиш ҳақидаги иловалар 7-кун ичида юборилиши керак.

45. АМХга аэродромда аэронавигацион муҳитнинг ўзгарганлиги ҳақидаги билдиришномаларни НОТАМларни чоп қилиш учун юборилганда юборувчининг фамилияси кўрсатилади. “Д” сериясидаги НОТАМни чоп қилиш учун билдиришнома АМХга 7-кун қолганда ва “У” сериясидаги НОТАМни чоп қилиш учун эса бир кун қолганда юборилади.

VIII БОБ. НОТАМ МАЪЛУМОТЛАРИ.

46. Маълумотлар вақтинчалик ва унча кўп фурсатга мўлжалланмаган характерга эга бўлса ёки тез фурсатда керакли эксплуатацион назарга эга бўлган вақтинчалик ва кўп фурсатга мўлжалланган ўзгаришларни маълум қилиш керак бўлганда, катта мазмунли ёки жадвалли материаллар бундан мустасно, НОТАМлар тезкор усулда чоп қилинади.

47. АМХ аэродромлар ва ХҲБ ҳудудларига таълуқли НОТАМларни куйидаги серияларини чоп қилади:

а) «У» серияли НОТАМлар Ҳаво трассалари қўлланмасида ва Ўзбекистон республикаси маҳаллий ҳаво линиялари, Аэродромларда парвозларни амалга ошириш Қўлланмасида, Ўзбекистон Республикасини АНМ тўпламидаги маълумотлар асосида чоп қилинади, агарда шундай мазмундаги “Д” серияли НОТАМлар йўқ бўлса;

б) «Д» серияли НОТАМлар Ўзбекистон Республикасининг АИПда чоп қилинган маълумотлар асосида чоп қилинади.

48. Тўғри эксплуатацион ҳарактерга эга бўлган маълумотлар сонлар ҳамма ҳоллардаги очиқ матнлар, частоталар, кўрсаткичлар, индекслар, қисқартиришлар ИКАО НОТАМлари учун мўлжалланган бир ҳилдаги фразеология қисқартиришлари/кўрсаткичларининг кодларини қўллаб куйидаги ҳолларда НОТАМлар тузилади:

а) УҚЙ ёки аэродромларни (аэропортларни) эксплуатацион жиҳатдан иш бошлаши, иш тўхтатилиш ёки уларни эксплуатация режимини ўзгариши;

б) аэронавигацион хизматларнинг иш бошлаши, иш фаолияти тўхтатилиши ёки уларнинг ишлаш режимини сезиларли ўзгариши;

в) радионавигацион хизматларнинг иш бошлаши, тўхтатилиш режимини ўзгариши ва “ҳаво-ер” алоқа хизматларининг ёки уларнинг ишлаш режимини муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгариши, вақтинчалик тўхтатилиши ёки уларнинг янгиланиши, частоталарининг ўзгариши, ишлаш вақтининг янгиланиши, таниш белгилари, жойлашган жойи, 50% қуватининг ошиши ва камайиши, ишлаш жадвалининг ўзгариши ёки жўнатилаётган маълумотларнинг ўзгариши, ҳар қандай радионавигация хизматларининг мукамал ёки вақтинчалик ишлаши ва алоқа хизматларининг, ретрасляторларнинг ишлашидаги вақтинчалик ўзгаришлар, эксплуатацион ўзгаришларни ҳисобга олиб;

г) аэродромнинг ёритиш техника ускуналарининг асосий қисмларининг эксплуатацион иш бошлаши, тўхтатилиш ва янгитдан иш бошлаши;

д) аэронавигацион хизмат кўрсатиш қоидаларининг киритилиши, уларни бекор қилиниши ёки уларнинг сезиларли ўзгаришлари;

е) маневрни бажариш худудида пайдо бўлган муҳим носозликларни ёки тўсиқларни бартараф этиш;

ж) кислород ва ёқилғига тегишли ўзгаришлар ва чекловлар;

з) авиария-қутқарув хизматлари мавжуд воситаларига тегишли муҳим ўзгаришлар;

и) тўсиқларни маркировкаси, тўсувчи маёқларни эксплуатация қилиш ишларини қайта тикланиши, бошланиши ёки тўхтатилиши;

к) авариявий-қутқарув ишларини олиб бориш учун, зудлик билан ҳаракат қилишни талаб қиладиган қоидалардаги ўзгартиришлар, масалан парвозларни тақиқловчи ҳудудларни ўрнатиш;

л) аэронавигация учун ҳаф солувчи манбаларни (тўсиқларни инобатга олиб, ҳарбий ҳаракатлар, намоийш парвозлари, ҳаво пойгалари, кўрсатилган ҳудуддан ташқаридаги парашютдан сакрашлар) борлиги;

м) тўсиқларини ўрнатиш, уларни бартараф этиш ёки уларни ўзгартириш аэронавигация учун таълуқли учиш заналарида/баландликка кўтарилиш иккинчи доирага кетиш, қўнишга кириш зонасида ва учиш йўлагига; Ўзгартириш №5 09.06.16й.

н) ҳафли, таъқиқланган ёки парвозларни тақиқловчи ҳудудларни, ўрнатиш ёки уларни статусини ўзгартириш ва уларни бартараф қилиш (уларни иш фаолиятини бошланиши ёки тугатилишини инобатга олиб);

о) маршрутларни ёки уларни участкаларини ўрнатиш ёки зоналарни ликвидация қилиш, қаерда ушлаб олиш мумкин бўлган ва қаерда доимо 121,5 Мгц авиаривий частотасини эшитиш керак бўлган;

п) жойларнинг индексини жорий қилиш, ўзгартириш ёки соддалаштириш;

р) аэродром учун ёнғинга қарши кураш нисбатини ўзгариши. Фақат аэродромнинг ёнғинга қарши категорияси ўзгарганда НОТАМ чоп қилинади. Бундай категориянинг ўзгартириши аниқ кўрсатилиши керак

с) радиоактив материаллар билан боғлиқ бўлган ҳафли шароитларни бартараф этилиши, ўзгариши, захарли кимёвий материаллар, вулқонларнинг кукуни, қор, қор-лой қоришмаси, ях ёки сувларнинг аэродром майдонида борлиги;

48¹ Ҳаво кемаларининг эксплуатациясига таъсир қиладиган барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда керакли НОТАМларни ишлаб чиқилиши кўрилади.

Изох: “Аэронавигация маълумотлари хизмати қўлланмаси”да (Дос 8126) НОТАМларни тайёрлаш бўйича тўлақонли инструктив маълумотлар берилган.

49. Агар ўзгартиришлар (қўшимчалар) АИРАК қоидаларига мувофиқ АИПда чоп қилинса, триггерли НОТАМ ишлаб чиқилади (Дос 8126 га мувофиқ) ва унинг қисқача матни, киритилиш санаси ва шу қўшимчанинг

тартиб рақами кўрсатилади. Триггер НОТАМи ушбу ўзгартиришнинг (қўшимчанинг) кучга кириш санасидан 10 кун олдин чоп қилинади, лекин ўзгартириш (қўшимча) билан бирга кучга киради ва 14 кун амал қилади. Доимий ҳарактердаги НОТАМлар маълумотига асосан триггер НОТАМи чоп қилинмайди. “Доимий” ҳарактерга эга бўлган ҳамма НОТАМлар, ушбу ўзгартириш кучга кирган вақтнинг 15 куни бекор қилинади.

50. Қуйидаги маълумотлар НОТАМларга киритилиши керак эмас:

а) ҳаво кемаларини хафсиз ҳарактланишига таъсир қилмайдиган, перронда ва ҳаво кемаларини бошқарув йўлакчаларида олиб борилаётган амалдаги техник ишлар;

б) УҚЙни маркировка қилиш ишлари олиб борилаётган вақтда, агар ҳаво кемалари хафсиз бошқа мавжуд УҚЙдан фойдаланишлари мумкин бўлса ёки керак бўлганда ушбу ишларни бажариётган техникалар учиш-қўниш йўлагидан олиб ташланиши мумкин бўлганда;

в) ҳаво кемаларининг хафсизлигига таъсир қилмайдиган аэродром ҳудудидаги вақтинчалик тўсиқлар;

г) ҳаво кемаларининг парвозларига таъсир қилмайдиган бўлса, аэродромнинг/вертодромнинг ёритиш техник ускуналарнинг қисман ишдан чиққиши;

д) вақтинчалик ёки қисқа муддатга “ҳова-ер” алоқа тизимини ускуналарининг ишдан чиққиши, агарда бошқа алоқа тизимларининг захирадаги частоталаридан фойдаланиш мумкинлиги маълум бўлса;

е) аэродромдаги перронларда транспорт ҳаракатини бошқариш учун етарли даражада диспечерлик хизматлари мавжуд бўлмаса;

ж) аэродромда/вертодромда ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи ва бошқа мавжуд белгиларнинг носозлиги;

з) ВПҚга биноан назорат қилинмайдиган ҳаво ҳудудида парашютдан сакраш, ҳамда кўрсатилган жойларда ёки назорат қилинадиган ҳаво ҳудудидаги хаф туғдирувчи ва тақиқланган ҳудудлар ичида;

Юқорида кўрсатилган маълумотлар ХК экипажига парвоз олди таёргарлик жараёнида етказилиши керак.

51. НОТАМлар ИКАОнинг стандартлари ва тавсия этилган амалиёти қоидаларига биноан чоп қилинади.

51¹ Бир ой муддатдан кам бўлмаган вақтда авиация алоқа тизимлари орқали (AFS) амалдаги НОТАМларнинг рўйхати жўнатилади. НОТАМларни формати ушбу қоидаларнинг №5, №6-иловасида келтирилган. Ҳар бир серия учун алоҳида НОТАМ чоп қилинади. Назорат рўйхатига НОТАМ-нинг киритилмаганлиги НОТАМни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

51² назорат рўйхатиги НОТАМларга АИП ва АИК-даги сўнгги ўзгартиришлар, қўшимчалар ҳаволалари киритилган.

51³ Охириги амалдаги маълумотлар қандай жунатилса назорат рўйхатидаги НОТАМлар ҳам шу тариқа жунатилади ва тўлақонли назорат рўйхати деб белгиланади.

51⁴ Қисқа муддат ичида ҳар ой очик текст билан жунатиладиган амалдаги НОТАМлар рўйхати тайёрланади, уларда охириги АИПга

киритилган ўзгартиришларнинг маълумотлари мужасамлаштирилган бўлади, АИК орқали чоп қилинади ва назорат рўйхатидаги АИПга киритилаётган қўшимчалар электрон почта орқали жўнатилади.

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АИПи.

52. Ҳалқаро миқёсда аэронавигация маълумотлари билан алмашилишни таъминлаш мақсадида, Авиация маъмуриятининг санкцияси ва унинг бевосита бошчилигида доимий маълумотларни, вақтинчалик ўзгартиришларни ва узоқ муддатга мўлжалланган аэронавигация учун керакли манбаларни ўзида мужасамлаштирган “Ўзбекистон Республикасининг АИПи” чоп қилинади.

53. АИП ҳалқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг стандартлари ва тавсия этилган амалиёти, Чикаго конвенциясининг 15-Иловаси ҳамда “Аэронавигация маълумотлари ХИЗМАТИ” Қўлланмаси Doc.8126-AN/872 талабларига биноан ишлаб чиқилади ва юритилади.

54. АИП ўзгартиришлари AIRAC муддатида тақдим қилинади. ўзгартиришларни тақдим этиш муддати АМХ бошлиғи томонидан белгиланади. Агарда AIRAC муддатида АИП га ўзгартиришлар киритилмаса, камида битта AIRAC циклида, тегишли NOTAM (NIL) чиқарилади.

55. АИП га ўзгартиришлар киритишга аэронавигация маълумотлари ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар сабаб бўлади, буларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларидаги ҲХБ тизимини ва аэродромлардаги аэронавигация мўҳитини ўзгариши;

б) Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудини структурасини ўзгариши;

в) АИП чоп қилиниши шарт бўлган парвозларни бажариш, ҳаво ҳаракатини бошқариш қоидаларини ўзгариши ва фуқаро авиациясида парвозларни таъминлаш, ташкиллаштириш ва бажаришга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўзгариши;

г) АИП ўзгартиришлар киритилишини талаб қиладиган бошқа ўзгаришлар.

55.1. Узоқ муддатли характердаги вақтинчалик ўзгаришлар (3 ой ва ундан ортиқ) ва қисқа характердаги маълумотлар, катта матнга эга ёки АИП маълумотларни тўлдирувчи графикли материаллар, АИП қўшимчалар сифатида киритилади ва чоп этилади. Вақтинчалик катта матндаги ўзгартиришлар аэронавигация маълумотлари регламентацияси ва уларни назорат қилиш системаси ва унда белгиланган сана бўйича чоп этилади. АИПга қўшимчалар асосий матнда сақланади, агар унинг матни ёки матннинг қисми сақланганда. АИП иловасида келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги одатда илованинг ўзида кўрсатилади.

Белгиланган қўшимчанинг амал қилиш муддати ўзгаришини ёки бекор қилинишини кўрсатувчи НОТАМ ҳам берилиши мумкин.

56. “Ўзбекистан Республикаси “Ўзавиация” агентлиги директорининг буйруғи билан аэронавигация маълумотлари тўпламининг керакли бобларини олиб бориш учун фуқаро авиацияси хизматларининг ва бўлинмаларининг керакли шахслари ва мансабдор бошлиқлари тайинланадилар.

57. Эксплуатацион талаблар ва аэронавигация маълумотларини айирбошлаш тартиботларини осонлаштириш мақсадида, қўшимча электрон аэронавигация маълумотларни тўплами (эАИП) чоп этилади.

57¹ АИП ва эАИП Ўзбекистон Республикасининг бир хилдаги аэронавигация маълумотлари тўплами ҳисобланади.

57² “Узаэронавигация” маркази АМХ аэронавигация маълумотлари тўплами (кейинги ўринларда АИП) ва эАИПнинг маълумотларини бир хиллигини сақлашнинг барча чораларини кўрадилар ва уларнинг эталон экземплярларини сақлайдилар. АИП ва эАИПнинг эталон экземплярлари ўрнатилган тартибдаги тасдиқланган АИП ва унга киритиладиган ўзгартиришлар асосида ишлаб чиқилади.

58. АИП ва унга киритиладиган ўзгартиришлар тезкор усулда тарқатилади.

59. АИПнинг керакли бобларидаги маълумотларни тўғрилиги ва тўлақонлиги учун жавобгарликни фуқаро авиацияси хизматларининг ва бўлинмаларининг мансабдор бошлиқлари ва Авиация маъмуриятининг инспекторлари зиммасига юклатилган.

Х. БОБ. АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ ЦИРКУЛЯРЛАРИ.

60. Аэронавигация маълумотлари циркуляри қўйидаги маълумотларни тарқатиш мақсадида чоп этилади:

а) Қонунлар, низомлар, қоидалар ёки воситалардаги ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғрисида узоқ муддатли прогноз;

б) парвозлар хавфсизлигига таъсир қиладиган тушунтириш ва консультив маълумотларни;

в) административ ёки қонунчилик мавзуларига техник характерга эга тушунтириш ва консультив ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

61. Аэронавигация маълумотлари циркулярига тартиб рақамлари берилади ва улар йил давомида тартиб билан олиб борилади. Йил охирида тартиб рақамлар тугатилади ва янги йилдан яна улар янгиланади.

62. АИК аэронавигация маълумотларининг амалдаги циркулярларининг назорат рўйхати йилига камида бир марта чоп этилади.

63. АИК ёзма равишда чоп қилинади. Уларга матнлар ва диаграммалар киритилиши мумкин.

XI. БОБ. АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИНИ РЕГЛАМЕНТАЦИЯСИ ВА УЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ .

64. Ҳолатлар тўғрисида маълумот:

1) Горизантал ва вертикал чегаралар (эксплуатацион текширишлар) ҳақидаги ўзгартиришлар, уларни ўрнатиш, чеклаш ёки планлаштириш қоидалари, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) парвоз районлари;
- б) диспетчерлик ҳудудлари;
- в) диспетчерлик зоналари;
- г) ХХХК маршрутларида;
- д) учиш учун ҳаф солувчи, ҳаф туғдирувчи ёки парвозларни чегараловчи зоналар (уларни ишлаш даврлари маълум бўлганда);
- е) зоналарда, маршрутларда ёки маршрутларнинг қисмларида, ҳаво кемаларини ушлаб олиш ҳафи бор жойлар.

2) Алоқа воситалари ва радионавигацион воситаларни жойлашиши, частотаси белгилари ва маълум бўлган ўзгаришлари ва техник текшириш даврлари;

3) Кутиш зонасининг, қўнишга кириш, учиб кетиш ва учиб келиш, пастлашиш маршрутларини хариталари ва ХХХК тизимини қонунлари;

4) Меторологик ускуналар (радиоорқали бериладиган маълумотлар ва қонунлар);

5) УҚЙ ва сўнгги тормозлаш тармоқлари тартибга солиш тизими (АИРАК) мувофиқ тақсимланади, унга кўра ўрнатилиши, бекор қилиниши ёки аҳамиятли ўзгаришлар 28 кунлик муддат билан, шу жумладан 2010 йил 14 январ билан кучга кирган ягона сана тамойилига асосланади. Кўрсатилган маълумотлар, ҳеч бўлмаганда, кучга кириш кунидан кейинги 28 кун ичида ўзгармайди, юқорида кўрсатилган ҳолатлар вақтинчалик бўлган ҳолатлар бундан мустасно ва бутун давр мобайнида сақланмайди.

Агар катта ўзгартиришлар киритиш планлаштирилаётган бўлса, ўзгартиришларни киритиш санасидан 56 кундан кам бўлмаган вақт ичида чоп қилиниши зарур.

Катта ўзгаришларга ҳаво транспортига таъсир кўрсатувчи парвозларни таъминловчи хизматларнинг ишлаш режими ёки уларнинг процедураларининг ўзгаришлари ва шунингдек қуйидагилар ҳам киради:

- а) янги аэродромни эксплуатацияга киритилиши;
- б) янги қўнишга кириш хариталарини ёки учиб чиқиш хариталарини халқаро аэродромларда, бундан ташқари МДХ давлатлари аэродромларида парвозларни бажарувчи ХК;
- в) ХХХК тизимининг янги маршрутларини киритиш.

65. Аэронавигация маълумотлари регламентацияси ва уларни назорат қилиш тизимига биноан киритилаётган маълумотларнинг санаси халқаро миқёсида уларнинг белгиланган киритилиш санаси билан келишилган бўлиши керак.

ХII. БОБ. ПАРВОЗ ОЛДИ МАЪЛУМОТЛАР БЮЛЛЕТЕНИ

66. Парвоз олди тайёргарлиги жараёнида ҳаво кемаси экипажлари парвоз олди маълумотлар бюллетени билан танишишлари керак (кейинги ўринларда ПОМБ).

67. Парвозларни бажариш учун ҳаво ҳаракатини бошқариш худудлари, навигация, радиотехник, алоқа тизимлари, заҳира аэродромлари, қўниш ва учиш аэродромлари ҳақидаги ҳамма НОТАМлардаги маълумотлар ПОМБ га киритилади. Хавфсизликка ва парвозларни мунтазам бажарилишига таъсир қиладиган ва эксплуатацион жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар ҳам ПОМБ га киритилиши шарт.

68. ПАНТ эксплуатанти органлари томонидан ПОМБ тузилади. ПОМБ таркибининг тўлиқлиги ва сифати ва авиация экипажлари ХК учиб кетиш вақтида олинган ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериш учун жавобгардир.

69. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий авиакомпанияларининг аэропортлари, агар керак бўлса эксплуатант ПАНТ органлари томонидан ПОМБ нашр этилишини таъминлайди.

70. Чет мамлакатлари ҳудудида ва қўниб кетиш аэродромларида эксплуатантлар ХК экипажларини амалдаги ПОМБ билан таъминлашлари шарт.

71. Парвоз олди тайёргарлиги жараёнида ХК экипаж аъзолари ПОМБ маълумотларни ўрганиб чиқиб, уларни парвозга қарор қабул қилиш жараёнида ва парвоз вақтида қўллашлари керак.

ХIII. БОБ. АЭРОДРОМ ҲУДУДИДА ПАРВОЗЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎРИҚНОМАСИ.

72. Парвозлар хавфсизлигини ва бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир аэродром учун аэродром ҳудудида парвозларни амалга ошириш йўриқномаси (ПАОЙ) ишлаб чиқилади.

73. Аэродромларга бошчилик қиладиган авиация ташкилоти (АТ) раҳбарияти тайинланган комиссия томонидан ПАОЙ ишлаб чиқилади. Комиссияни АТ бошлиғининг биринчи муовини бошқаради. Унинг ўринбосари этиб АТ учувчилар бўлинмасининг бошлиғи тайинланади. Парвозларни таъминлаш, бажариш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича авиакомпаниянинг керакли мутахассислари ушбу комиссия рўйхатига киритиладилар.

74. АТ нинг ҳар бир таркибий бўлинмаси ишлаб чиқиш учун жавобгардир унга юкланган бўлимлар ва карталар (схемалар) ,уларнинг мазмуни тўлиқлиги,

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишончилиги ва ўз вақтида бажарилиши.

75. Комиссия раисининг ўринбосари ёки АМХ бошлиғининг сўровномасига биноан авиакомпаниянинг бўлинмалари ва аэродромнинг

бошлиқлари ҳамма керакли материалларни комиссияга беришлари шарт ПАОЙ бўлимларига киритиладиган матнлар, хариталар ва бошқа керакли материаллар шулар жумласига киради).

76. ПАОЙнинг бўлимлари ва (схемалар) хариталари, маълумотларининг тўғрилиги, тўлақонлиги учун аэродром хизматларининг комплексларини, авиация бўлинмаларининг ушбу бўлимларга маъсул ва жавобгар шахслари ва бошлиқлари жавобгардирлар. ПАОЙ нинг ўз вақтида ишлаб чиқиши (қайта нашр қилиниши) учун аэродром бошлиғи жавобгардир.

77. Комиссия вакиллари АМХга ПАОЙ учун текширилган ва тайёрланган материалларни жўнатишга маъсулдирлар ва ушбу материаллар асосида АМХ ПАОЙни (унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни) чоп этади ва уларни ўрнатилган тартибда келишилишини ва тасдиқланишини таъминлайди ва уларни кўпайтириб фойдаланувчиларга жўнатадилар.

78. Ўзбекистон Республикасини фуқаро авиацияси аэродромларининг ПАОЙни назорат нусхаларини АМХ юритади.

79. Агар аэродромда катта мудатга мўлжалланган (характердаги) ўзгаришлар пайдо бўлса, ПАОЙга ўзгартиришлар ишлаб чиқилади, улар керакли бўлинмалар билан келишилади ва тасдиқланади. ПАОЙ учун керакли материалларни йиғиш, ўзгартиришларни ишлаб чиқиш ва уларни АМХга жўнатиш ваколати аэродром хизматларининг, комплексларининг, авиация бўлинмаларининг бошлиқлари зиммасига юклатилган.

80. АТ таркибий бўлинмалари раҳбарлари 5 иш куни ичида ПАОЙ келиб тушган кундан уни (ўзгартиришларни) текширилишини, керак бўлганда ундаги маълумотларни ўзгартирилишини таъминлаб беришлари ва бу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг норматив ҳужжатлари талабларига мослигини ва камчиликлар топилганда АМХга қайташлари керак.

81. Аэронавигация маълумотлари, ҳужжатларида нашр этилган аэродромлар схемалари ва маълумотлари ПАОЙ га тўлиқ мос келиши керак

82. Вақтинчалик аэродромлар ва қўниш майдончаларининг парвозларни бажариш йўриқномалари ПАОЙ ушбу аэродромлардан (майдончалардан) фойдаланадиган эксплуатантнинг командир-учувчилар таркиби (КУТ) томонидан, керак бўлганда бошқа бўлинмаларнинг мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади ва ушбу эксплуатантнинг учувчилар бўлинмасининг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

83. Ҳар йилги қишги-кузги мавсумига тайёргарлик кўриш даврида аэродром раҳбари томонидан махсус комиссияси ташкил этилади, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ПАОЙ базасига тегишли аэродромлар текширилади, аэродромда ҳақиқий аэронавигацион муҳит ва ПАОЙга ўзгартириш ёки қайта нашр этиш кераклигини ёки керакмаслигини аниқлайдилар.

84. Бажарувчи билан тузилган шартнома асосида аэропорт директори авиация структурасига кирмайдиган ташкилотларга ПАОЙ ишлаб чиқирилишини ташкиллаштиради.

84¹ Тасдиқланган ПАОЙ экземплярлари аэропортда сақланади ва керак бўлганда уни олиш имконияти чекланмаган бўлиши шарт. ПАОЙни сақланиш жойини ҳар бир аэродромда директор ҳал қилади.

85. Йўриқномалардаги маълумотларни бир ҳужжатга яъни “Ўзбекистон Республикаси фуқаро аэродромларининг аэронавигацион тўплами” мужасамлаштириш ҳуқуқи берилади. Уни ИКАО талабларига биноан ишлаб чиқилади.

85¹ “Ўзбекистон Республикаси “Ўзавиация” агентлиги ПАОЙ сидаги маълумотларни норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини назорат қилади.

XIV. БОБ. ПАРВОЗ ОЛДИ ВА ПАРВОЗДАН КЕЙИНГИ МАЪЛУМОТЛАР.

86. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаро авиациясининг аэродромларида парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш органлари бўлиши керак.

87. Аэродром раҳбари аэродром мақомига, ҳаво кемалари турлари, географияга ва парвозларнинг интенсивлигига қараб брифинг ўтказиш мақсадида, парвозлар учун аэронавигация хизмати (ПАНТХ) ташкил этилади.

88. Парвозлар интенсивлиги паст бўлганлиги сабабли, ходимлардан кўп функционал фойдаланиш амалга ошириладиган аэродромларда, ПАНТ аэродром маъмуриятининг вазифалари ушбу аэродромнинг ҳаво ҳаракатини бошқариш органига брифинг ўтказишга руҳсат этилади. Ушбу функцияларни бажарадиган ХХХК диспетчери ҳаво кемасини учиб кетган экипажга бўлғуси парвозлар тўғрисида ва ушбу аэродромда аэронавигация ҳолати ўзгариши тўғрисида учиб кетиш пайтида олинган барча НОТАМ маълумотлари тўғрисида хабар беришлари шарт.

89. Экипаж аъзоларига парвоз олди тайёргарлиги жараёнида қуйидаги маълумотлар билан таъминланиши керак, аэродромдан бошлаб парвозларнинг хавфсизлиги, мунтазамлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган парвозларга техник хизмат кўрсатиш ва учувчи экипажларни аэронавигацион маълумотлар бериш.

89¹ Парвоз олдидан тайёргарлик пайтида ҳаво кемаси экипажига учиш олди аэродромига тегишли қўшимча маълумотлар тақдим этилади:

а) манёвр майдонида ёки унинг яқинида жойлашган қурилиш ёки таъмирлаш ишлари;

б) манёвр майдонининг ҳар қандай қисмида (қандай белгиланган, шундай белгиланмаган), масалан, УҚЙ ва ёрилган БЙ участкалари юзаси;

в) УҚЙ ва БЙ қор, муз ёки сувнинг мавжудлиги ва чуқурлиги ва уларнинг тўрмозлаш самарадорлигига таъсири;

г) УҚЙ ва БЙ да ёки унинг яқинида қор уюмларининг ёки қорнинг мавжудлиги;

д) ҳаво кемаларининг туриш жойларида, БЙ ёки уларнинг яқинида қўйилган ҳаво кемалари ёки бошқа объектлар;

е) бошқа вақтинчалик хаф-хатарларнинг борлиги;

ж) ҳаво кемаларининг парвозларига хаф солувчи қушларнинг борлиги;

з) аэродром чироқларининг бутунлай ишдан ёки вақтинчалик ишдан чиқиши, бунга яқинлашиш, кириш, УҚЙ, ҳаво кемалари БЙ, тўсувчи, ер сатҳида маневр қилиш зоналарини белгиловчи ёки уларни қўллаш мумкин эмаслигини кўрсатувчи чироқлар ва аэродромни электр билан таъминлашни белгиловчи электр манбалари;

и) иккиламчи ҳамма тарафга йўналтирилган (ВОРЛ) радиолокаторини ишдан чиқиши ёки унинг эксплуатацион муҳитини ва ишлаш шароитини ўзгариши, радионавигацион хизматларнинг, ЖЮЧ-каналли частотали харакатланувчи авиацион хизматларнинг, УҚЙда кўриш масофасини кузатиш ва қўшимча электр манбалари билан таъминлаш;

к) гуманитар ёрдам кўрсатиш миссияларининг борлиги ва уларнинг иши масалан Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар тури ёки чекланишлар;

90. Парвоз олди аэронавигацион таъминоти шундай ташкиллаштирилиши лозимки, ХК экипаж аъзолари керакли маълумотларни учишдан олдин кам вақт сарф қилиб олишлари зарур. Ушбу хизмат турини ташкил қилишда ИКАО Doc 8126-АН/872 талабларига асосланиб қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиш керак:

а) парвоздан олдинги экипаж ўқув залининг моддий-техник жиҳозлари;

б) парвоз олдидан бюллетен ахборот формати;

в) визуал ахборот воситаларидан фойдаланиш.

91. Ҳаво кемалари эксплуатантларига мустақил равишда ёки шартномалар асосида ПАНТ, ҳаво кемаси экипажларини парвозларни бажариш учун учиб кетиш ва қўниш аэродромигача, ҳамда захира аэродромларини ҳисобга олган ҳолда бутун парвоз йўналиши (маршрути) бўйича керак бўладиган аэронавигацион ҳужжатлар билан таъминлашлари шарт, буларга:

а) маршрутлар ва аэродромлар бўйича аэронавигацион маълумотлар тўплами;

б) аэронавигацион, радио навигация ёки махсус тайёрланган топографик хариталар;

в) парвоз олди маълумотларининг бюллетенлари (НОТАМлар).

г) парвозининг дастлабки навигация ҳисоби (ДНХ);

д) АНОП аэродром маъмурияти технологияси билан белгиланган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар.

91¹ Парвоз экипажи аъзоларига амалдаги НОТАМлардан қисқача аннотация тақдим этилади ҳамда очик матнли тайёрланган парвоздан олдинги ахборот бюллетенлари шаклида эслатмалар ва бошқа шошилишч маълумотлар берилади.

91² Учишдан олдин автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш учун эксплуатация ходимлари аэронавигация маълумотлари ва

аэронавигация ахборотларини тақдим этиш лозим, жумладан парвоз экипажи аъзолари ўз-ўзини инструктаж қилиши, парвозни режалаштириш ва парвозлар ҳақида маълумот билан таъминланиши лозим.

92. Автоматлаштирилган парвоз олди системалари аэронавигацион маълумотларни эксплуатацион персоналга, экипаж аъзоларига парвозларни режалаштириш, парвозларга тайёргарлик кўриш ҳамда инфорацион хизмат кўрсатиш учун қўлланилади.

93. Экипаж аъзоларидан аэронавигацион ускуналарнинг ишлаши ёки бошқа парвозларни таъминлашда иштирок этувчи хизматларнинг ишлашлари ҳақидаги маълумотларни АМХга етказиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун экипаж аъзоларидан парвоздан кейинги маълумотларни йиғиш тизими ташкиллаштирилади.

94. Ҳаво кемалари экипаж аъзолари парвоздан кейин радионавигация хизматларининг ҳолати ва ишлаши тўғрисида, маълумотлар аниқ эмаслиги ёки аэронавигацион маълумот ҳужжатларида йўқлиги ҳолатлари тўғрисида маълумот журналга ёзиб қолдиришлари талаб этилади. Парвоздан кейинги маълумот журнали қоидага биноан ПАНТ да жойлашган. Аэродром органининг катта мутахассиси ПАНТ журналда ёзувлари асосида АМХга тегишли хабарларни юбориши лозим жумладан: Радионавигация хизматларининг ҳолати ва ишлаши, қачон, қайси аэронавигацион маълумотлар ишончсиз бўлган ёки ҳужжатда йўқ бўлган ва аэронавигацион маълумотларнинг номувофиқлиги ва ким аниқлаганлиги кўрсатилинади. АМХ раҳбари хабарларни таҳлил қилгандан сўнг, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

95 Хорижий ХК парвозларига аэронавигацион хизмат корсатиш амалга оширилмоқда, жумладан:

а) чет эллик фойдаланувчиларнинг талабларига биноан Ўзбекистон Республикаси АИП ва уларга тузатишлар киритиш;

б) хорижий ХК экипажларга брифинг ўтказиш Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортлари, улар билан тузилган шартномалар асосида жорий қилиш.

96. аэронавигацион парвозларга хизмат корсатиш ташкилоти махсус авиация ишларини бажаришда, ҳудудидан ташқарида базировкали 4-синф ХК ва вертолётлар эксплуатантга юкланади.

XV. БОБ. АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТЎЛАҚОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.

97. Парвозлар хавфсизлигини ва мунтазамлигини таъминлаш мақсадида аэронавигация маълумотлари ҳужжатларида, аэродромларнинг ҳақиқий ҳолати, ҳаво ҳудудининг структураси, парвозларни бошқариш тизимлари, аэронавигация ва қўниш системалари ҳақидаги маълумотлар акс этилиши лозим.

98. Чоп этилган маълумотларнинг ҳақонийлигига, АМХга аэронавигация муҳитини ўзгаришлари ҳақидаги хабарномаларни бериш ва

уларни аэронавигация маълумотлари хужжатида чоп қилиш қўйидаги мансабдор шахслар зиммасига юклатилади:

а) парвозларни бажариш хариталари (схемалари), ХКларини аэродромдан учиш ва қўнишлари учун давлат минимумлари, парвозларни ташкиллаштириш ва уларни бажариш масалалари учувчилар бўлинмасининг бошлиғи зиммасига;

б) аэронавигация маълумотлари хужжатларида чоп қилинадиган: тўсиқлар ҳақидаги маълумотлар, аэродром ва перронларнинг ҳаво кемаларини туриш жойларининг схемалари ва бошқа аэродромга тегишли бўлган саволлар аэродромларнинг техник таъминлаш хизматларининг бошлиқлари зиммасига юкланади;

в) ҳаво трассаларининг мажмуаси, ҳаво ҳаракатини бошқариш, ҳаво ҳудуди структураси ва унинг элементлари, радиотехник, навигация, қўнишга кириш ва алоқа воситаларининг ишлаш режимлари ҳақидаги саволлар “Узаэронавигация” Маркази бошлиғи зиммасига юкланади:

г) аэронавигация маълумотлар хизматини аэродромларда аэронавигация муҳити ўзгарган вақтда тезда ва ўз вақтида ушбу ўзгаришлардан хабардор қилиш аэродром бошлиқлари зиммасига юкланади.

99. Агар аэродромнинг эгаси ташкилот, идора структурасида учувчилар бўлинмаси бўлмаса ушбу Қоидаларнинг 98 моддаси “а” кичик бандида белгилаб берилган вазифа - аэродром бошлиғи зиммасига юкланади. Бундай ҳолларда, аэродромда парвозларни бажариш хариталари (схемалари), учиш ва қўниш давлат минимумларининг қийматларини аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг компентет ташкилотлари ёки шартнома асосида бошқа давлатларнинг ушбу масалалар билан шуғулланувчи ташкилотлари зиммасига юкланади.

100. Аэронавигация маълумотлари ХИЗМАТИга тақдим этилаётган материалларда керакли маълумотлар етарли бўлмаса ёки уларнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилса, уларни тўғрилаш учун келган жойига жўнатиб юборилади.

101. “Ўзавиация” агентлиги мутаххасислари ўзларига юклатилган вазифалари даражасида, “Ўзбекистон Республикасининг аэронавигация маълумотлари хужжатлари”даги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги устидан ҳар доим назорат олдиб борадилар.

102. Миллий авиакомпаниянинг тасаруфидаги структуравий ташкилотлари, идоралари ва хизматларининг бошлиқлари “Ўзбекистон Республикасининг аэронавигацион маълумотлари хужжатлари”даги ўзларига тегишли фаолият йўналишлари бўйича чоп қилинган маълумотларни тўғрилигини, ҳаққонийлигини систематик тарзда текшириш ва назорат қилишни ташкиллаштиради ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради.

103. АМХ нинг бошлиғи аэронавигацион муҳит бўйича тақдим қилинган ўзгартиришлардаги маълумотларнинг камчиликлари ҳақида керакли идоралар бошлиқларига ҳисобот беради.

104. Ўзбекистон республикаси “Ўзавиация” агентлиги ва АМХда аэронавигация маълумотлари тўплами (АИП), аэродром худудида парвозларни амалга ошириш йўриқномаси (ПАОЙ) ёки Аэронавигацион маълумотларнинг ва тасдиқланган озгартиришларнинг асл нусхалари АМХ да бутун амал қилиш даври мобайнида сақланади. АМХ хорижий давлатларнинг АИПларини назорат қилиб боради ва Ўзбекистон Республикаси АИПдан олинган натижалар билан ўзаро алмашув олиб боради

XVI. БОБ. СИФАТ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ.

105. АМХ сифат тизимини бошқариш системасини ўз фаолитига жорий қилади, бундай тизим Ўзбекистон Республикаси томонидан бериладиган маълумотлар: давлатнинг, ҳудудий чегаралари, давлат чегарасига туташ ҳудудларнинг аэронавигацион маълумотлари ва ҳаво харакатини бошқариш учун давлат жавобгар бўлганлиги сабабли, бундай аэронавигацион жиҳатдан зарур бўлган маълумотларни йиғиб олиш, уларни жамлаш, таҳрирлаш, қофияга келтириш, чоп қилиш, сақлаш ва ушбу маълумотларни тарқатиш вақтида умумий сифат жараёнини бошқариш учун зарурдир.

106. Сифат тизимини бошқариш системаси Стандартлаштириш Ҳалқаро ташкилотининг (ИСО) стандартларига жавоб бериши шарт.

106¹ Сифат тизимини бошқариш системаси аэронавигацион маълумотларни ўтиш жараёни, идентификация қилиш, текшириш, камчиликларини топиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш ва ҳамма фойдаланувчиларга етказиш сиёсатини ўз ичига олиши керак.

107. Стандартлаштириш Ҳалқаро ташкилотининг (ИСО) стандартларига жавоб берадиган сифат тизимини аэронавигация маълумотлари хизматида (АМХ) жорий қилиш учун “Узаэронавигация” Маркази “Сифат билан бошқариш Дастури”ни (ёки “Сифат билан бошқариш Қўлланмаси”ни) ишлаб чиқади.

108. Сифат билан бошқариш дастурини (қўлланмасини) ишлаб чиқишда асосий фикрни бошқариш билан боғлиқ бўлган жараён ва тартиботларга қаратиш керак эмас. Сифатни бошқариш тизимида ишлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни егаллаган ва фойдалана оладиган бутун сифат менежменти тизимининг ажралмас қисми, қуйидагиларни ҳисобга олади:

- а) бажариладиган функцияларни аниқлаш;
- б) ҳар бир бажариладиган иш жараёнида керак бўладиган билим ва малакаларни аниқлаш;
- в) қўйилган вазифаларни бажариш учун персонал (хизматчилар) керакли малака, билим ва маҳоратга эгаллигига кафалат бериш зарур.

109. Жорий қилинган сифат тизимини бошқариш системаси фойдаланувчиларга керакли кафалат бериши зарур, яъни тарқатилаётган аэронавигацион маълумотлар ўрнатилган аэронавигация маълумотлари сифатига бўлган талабларга, ҳамда уларни ўрнатилган вақтда тарқатишни кафолатлай олиши керак.

110. Жорий қилинган сифат тизимини бошқариш системасини эффективлигини аниқлаш мақсадида ва унинг ўрнатилган талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида текширувлар ўтказилади. Агар сифат тизимини бошқариш системасини талабларга жавоб бермаслиги аниқланса уларни бартараф этиш бўйича чоралар ишлаб чиқилади. Ҳамма текширилган ишлар бўйича ҳисоботлар керакли фактлар билан тасдиқланади ва улар хужжатланадилар.


111. АМХ техник ҳодимлари (персонали) сифат тизимини бошқариш системаси бўйича уларга кўйилган вазифаларни бажаришлари учун керакли тайёргарликка эга бўлишлари керак. АМХ бошлиқлари бирламчи ва малакани ошириш бўйича тайёргарликларни ташкил қиладилар ва ҳодимларнинг малака, кўникма, билимлари керакли тарзда текширилади, бу билимлар ҳодимлар учун ўзларига белгиланган вазифаларни бажаришда ва камчиликларни аниқлашда керак бўлади.

112. Аэронавигация маълумотлари хизматига чоп қилиш учун жўнатилаётган материаллар керакли тарзда текширилиши ва жавобгар шахслар томонидан тасдиқланиши зарур. Бу вазифалар чоп қилинаётган материалларнинг тўғрилиги ва тўлақонлигини таъминлаш мақсадида бажарилади.

Фуқаро авиациясида аэронавигация
маълумотлари хизмати
Авиация Қоидаларига №1- Илова

**ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИНING АЭРОНАВИГАЦИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ СХЕМАСИ.**







**Аэродромлар
органлари ПАНТ**

Фуқаро авиациясида аэронавигация
маълумотлари ҳизмати
Авиация Қоидаларига №2- Илова

**АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ ХИЗМАТИ ОРГАНИНИ
ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА ЎЗАРО
ХАМКОРЛИК СХЕМАСИ.**





Фуқаро авиациясида аэронавигация маълумотлари хизмати
Авиация Қоидаларига №3- Илова

АЭРОНАВИГАЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ СИФАТ ТАЛАБЛАРИ.

1-Жадвал. Кенглик ва узунлик

Кенглик ва узунлик	чоп қилинган маълумотларни рухсатномаси	маълумотлар яхлитлиги классификацияси
Чегара ҳудуди нукталарининг маълумотлари	1 дақ.	оддий
Тақиқланган ҳудудларнинг чегара ҳудуди нукталари, хафли ҳудудлар, парвоз чекланган ҳудудлари (а/д ташқи чегара майдонлари)	1 дақ.	оддий

Тақиқланган ҳудудларнинг чегара ҳудуди нуқталари, хафли ҳудудлар, парвоз чекланган ҳудудлари (а/д ички чегара майдонлари)	1с.	муҳим
Аэродром ҳудудининг чегара нуқталари	1с.	муҳим
Йўналишли навигация воситалари ва назорат пунктлари, кутиш пункти, STAR/SID нуқталари	1с.	муҳим
аэродром /вертодромларнинг назорат нуқтаси	1с.	оддий
аэродром/вертодромларда жойлашган навигация воситалари	1/10 с.	муҳим
аэродром/вертодромларда йўналишдаги тўсиқлар ва майдондаги визуал маневралар	1/10 с.	муҳим
учиш ва қўниш зонасига киришдаги муҳим тўсиқлар	1/10 с.	муҳим
Қурилма орқали қўнишга кириш схемаларини шакилллаштирувчи назорат нуқталари / учиш ва қўниш зонасига киришдаги якуний пункт ва бошқа муҳим назорат нуқталари/пунктлари	1/10 с.	муҳим
УҚЙ охири (парвоз траекториясини мослаштириш нуқтаси)	1/100 с.	ўта муҳим
УҚЙдаги кутиш майдони	1/100 с.	ўта муҳим
УҚЙга қўнишнинг бошланғич қисми	1/100 с.	ўта муҳим
УҚЙдаги ўқ чизиғи нуқталари	1/100 с.	ўта муҳим
БЙ кесишмасининг маркировкаланган чизиғи	1/100 с.	муҳим
Чиқишдаги кўрсатма чизғи	1/100 с.	муҳим
Бошқариш йўлагининг ўқ чизиғи нуқталари	1/100 с.	муҳим
хаво кемалри туриш жойи (стоянка) нуқталари/ инерциал тизим назорат пунктлари	1/100 с.	Оддий
Ердан узилиш вақўниш	1/100 с.	ўта муҳим

худудининг геометрик маркази ёки кўнишга киришнинг охириги поғонаси худуди		
----------------------------------------------------------------------------	--	--

Жадвал 3 Йўналиш/ магнит оғиши

Йўналиш/ магнит оғиши	чоп қилинган маълумотларни рухсатномаси	маълумотлар яхлитлиги классификацияси
Воситаларни техник сошлаш учун ишлатиладиган ЖЮЧ навигация станциялари оғиши	1 даража	мухим
ОПРС/NDB турдаги воситаларнинг магнит оғиши	1 даража	оддий
аэродром/ вертодромнинг магнит оғиши	1 даража	мухим
РМС/ILS курслий радиомаёқи антенасининг магнит оғиши	1 даража	мухим

Жадвал 4. Пеленг

Пеленг	чоп қилинган маълумотларни рухсатномаси	маълумотлар яхлитлиги классификацияси
Ҳаво трассалари участкалари	1 даража	оддий
Аэродром худудида ва маршрут бўйлаб назорат нуқталарини ўрнатиш учун ишлатиладиган, Пеленг	1/10 даража	оддий
Аэродром худудида учиб келиш/кетиш маршрутлари участкалари	1 даража	оддий
Ускуналар бўйича кўнишга кириш схемасининг назорат нуқталари ўрнатилиши учун ишлатиладиган, Пеленг	1/100 даража	мухим

Выставление курсового радиомаяка ILS	1/100 градуса	важные
Выставление нулевого азимута MLS	1/100 градуса	важные
Пеленг ВПП	1/100 градуса	обычные

Фуқаро авиациясида аэронавигация
маълумотлари хизмати
Авиация Қоидаларига №7- Илова

АЭРОДРОМЛАРДА АЭРОНАВИГАЦИОН МУҲИТНИНГ ЎЗГАРГАНЛИГИНИ РЎЙҲАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

Т/Р№	А/п хизматл ари	Аэронавиг ацион муҳитнин г ўзгарганл игини матни	Хабарнома нинг амал қилиш муддати (Сана, вақт)		Ўзгариш рўйхатга олинган сана ва ижрочин инг қўли	Жўнатилганл иги ҳақидаги белги (АМХга жўнатилган хабарномани номери)	Бекор қилинг ан-лиги ҳақидаг и белги (НОТА Мни номери)
			Боши	Охири			

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.

Аэродром (гидроаэродром) – юзаси тўлиқ ёки қисман ҳаво кемаларининг қабул қилиб олиниши, жўнатилиши ва ҳаракатланиши учун мўлжалланган ер ёки сув юзасидаги маълум бир ҳудуд (ҳар қандай бино, иншоот ва ускуналари билан биргаликда).

Аэропорт – ҳаво кемаларини қабул қилиб олиш, жўнатиш ва ва ҳаводаги ташишга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, ушбу мақсадлар учун аэродром, аэровокзал ва бошқа ер усти иншоотларига ва керакли ускуналарга эга бўлган иншоотлар мажмуаси.

Аэродромнинг картографик маълумотлари – аэродромларнинг картографик маълумотларини тўплаш мақсадида йиғиладиган маълумотлар.

Аэронавигацион харита – аэронавигация учун махсус мўлжалланган ер сатҳи майдонининг шартли тасвирланиши (рельеф, сунъий иншоотлар ва тўсиқлар).

Аэронавигация маълумотлари – аэродромларнинг хусусиятлари ва ҳақиқий ҳолатига, аэродром ҳудуди ва ҳаво трассаларида ҳаракатланиш ҳамда уларни радиотехник воситалар билан жиҳозлаш тартибига тааллуқли бўлган маълумотлар.

Аэронавигация маълумоти тўплами (АМТ) – давлат томонидан чиқарилган ёки санкцияланган, мазкур давлат ҳаво ҳудудидаги

аэронавигация учун мухим ахамиятга эга бўлган узок муддатли аэронавигация маълумотларини ўзида мужассамлаштирган нашр.

Аэронавигация маълумотлари тўпламига киритиладиган ўзгартиришлар (АМТ) – бошқа варақларда аэронавигация маълумотлари тўпламидаги маълумотларга киритилаётган вақтинчалик ўзгартиришлар.

Аэронавигацион маълумотлар билан таъминлаш органлари – парвозларни аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш бўйича фуқаро авиациясининг ташкилоти (ёки органи).

Аэронавигация маълумотларини бошқариш – ҳамма манфақдор тарафлар билан ҳамкорликда тегишли сифатдаги сонли аэронавигация маълумотларини тақдим қилиш йўли билан аэронавигация маълумотлари комплексини бошқариш тизими.

Базавий аэродроми – ҳаво кемаларини асосий туриш жойи бўлган ва бунинг учун зарур иншоотларга эга бўлган аэродром.

Бирлаштирилган аэронавигацион маълумотлар тўплами - қоғоздаги ёки электрон вариантдаги маълумотларнинг тўплами унга қўйидагилар киради:

а) Аэронавигация маълумотлари тўплами (АМТ), ўзгартиришлар билан;

б) Аэродромларда парвозларни бажариш йўриқномаси ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромларининг йиғма маъжмуаси;

в) Ҳаво трассаларининг маъжмуаси;

г) АМТга қўшимчалар;

д) ҳаракатдаги НОТАМларнинг йиғма маъжмуаси ва парвоз олди бюлетенлари;

е) Аэронавигация маълумотлари циркуляри.

Геоид тўлқини – математик жиҳатдан ҳисобланган референц-эллипсоид сатҳи ва геоиднинг сатҳи орасидаги масофа (манфий ёки мусбат).

Гаодезик масофа – математик жиҳатдан эллипсоид текислигида жойлашган икки нуқта орасидаги энг кичик масофа.

Геоид – материк тагидаги ўртача денгиз сатҳи (MSL) билан тенглашган ернинг гравитацион майдонидаги эквотенциал майдон.

Григориан календари – биринчи мартаба 1582 йилда йил кунларини аниқлаш мақсадида киритилган, у юлиан календарига нисбатан аниқроқдир ва тропик йилга тўғри келади.

Давлат авиацияси – Мудофаа Вазирлиги, Ички Ишлар Вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ ва бошқа давлат бошқарув органлари юритувида бўлган авиация.

Диспетчерлик маълумоти - диспетчерлик хизматини кўрсатувчи орган томонидан ХК экипажига метеорологик шароитлар, самовий ҳолат, радиотехника ускуналарнинг ишлаши, аэродромнинг аҳволи ва парвозни амалга ошириш учун.

Зонал навигация - навигациянинг бир тури, ҳаво кемаларига навигацион спутник тизими ёки ерда жойлашган станцияларнинг сигналлари

асосида ҳар қандай траектория бўйича парвозларни амалга ошириш имкониятини беради.

Инсон омилининг фактори – авиация соҳасида лойиҳалаш, сертификатлаш, кадрларни тайёрлаш, эксплуатация қилиш фаолияти билан боғлиқ бўлган факторларни инсоннинг ишлаш қобилиятини инобатга олиб техник хизмат кўрсатиш омилларини инсон билан бошқа тизимлар компонентларини ҳавфсиз ишлатишга қаратилган принциплар.

Календарь – вақтни дискрет аниқлаш тизими.

Картографик маълумотлар базаси – аэродромларнинг картографик маълумотларининг йиғиндиси.

Маълумотларнинг сифати – тақдим этилган маълумотларни даражаси (кўрсаткич даражаси) заказчи томонидан маълумотларга қўйилган талабларини, яъни маълумотларнинг тўғрилиги, қўллаш мумкинлиги ва бутунлигига бўлган ихтиёжларини қондиради.

Маълумотларни йиғиш – маълумотлар базасини яратиш, мужасамлаштириш ва ишлаб чиқиш учун кўп томонлардан олинган маълумотлар мажмуаси.

Парвоз олди бюллетени (ПОБ) – эксплуатацион жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга парвоздан олдин тайёрланган НОТАМ маълумотлари.

Парвозларни аэронавигация маълумотларни билан таъминлаш – парвозларни бажариш ва уларни таъминлаш персоналига бирлаштирилган аэронавигацион маълумотларни ўз вақтида етказиш чора-тадбирлари.

Парвозларни чегараловчи ҳудуд – давлатларнинг территориал сув ҳафзалари ёки ҳудудлари устида ўрнатилган размерлардаги ҳаво ҳудуди, ҳаво кемаларининг парвозлари махсус чекловларга асосан тақидланади.

Сифат – у узининг характеристикаси билан бажарилган иш курсаткичи даражасининг мажмуасини кўрсатади.

Таъқиқланган ҳудуд - ўрнатилган размерлардаги ҳаво ҳудудининг бир қисми, махсус руҳсатнома булмаса ундан фойдаланиш тақидланади.

Фуқаро авиацияси – давлат ва экспериментал авиация таркибига кирмайдиган авиация.

Ҳавфли ҳудуд - ўрнатилган размерлардаги ҳаво ҳудуди, бир хил вақтларда ушбу ҳудудларда ҳаво кемаларининг парвозларига ҳаф солувчи чора-тадбирлар утказилиши мумкин.

Ҳаво кемаси - атмосферада ўзининг ҳаво билан ўзаро таъсири ҳисобига ушлаб туриладиган ҳар қандай учуш аппарати, ер юзасидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсир бундан мустасно.

Ҳаво трассаси – назорат остидаги йўлак кўринишидаги ҳаво ҳудуди (ёки унинг қисми).

Ҳалқаро НОТАМларни тузиш органи – давлат томонидан таъсис қилинган ҳалқаро НОТАМларни айирбошлаш билан шуғулланадиган муассаса.

Қуруқ ер – ер сатҳи у сув, қор ва музлиқарни ўз ичига олади, ўсимлик ва иншоотлар бундан мустасно.

Аэронавигацион маълумотларнинг бутунлик классификацияси

Сифат менеджменти – сифатга қаратилган бошқариш ва мужасамлаштирилган процес

Техноген муҳит – ер сатҳидаги барча сунъий иншоотлар, масалан, шахарлар, темир йўллар ва каналлар.

Сифат билан бошқариш – сифатга бўлган талабларни бажаришга қаратилган менежмент сифатининг бир қисми,

Маълумотларнинг тўлақонлиги (аэронавигация маълумотларига бериладиган гарантиянинг нисбати) – маълум гарантия, аэронавигация маълумотлари ва уларнинг сонли нисбатларининг параметрлари тўлақонли ёки улар тайёрланиш вақтида ўзгартирилмаган.

Тўсиқларнинг сонли модели – маълум сеткадаги тўсиқларнинг сонли маълумотлари

Элемент – реал дунёнинг ҳодисаларини билдирувчи мавҳум тушунча.

Йўналиш этапи – оралиқ аэродромларда кўниб ўтирилмайдиган учиш йўналиши (ёки унинг бир қисми).

СЎЗЛАР ВА ИБОРАЛАРНИ ҚИСҚАРТМАЛАРИ.

АДП	Аэродром диспетчерлик пункти
АМЦ/АИС	Аэронавигация маълумотлари циркуляри
АИП/АІР	ЎзР аэронавигация маълумотлари тўплами, аэродром ва ХТ ҳақида маълумотларни ўз ичига олади
эАИП/еАІР	ЎзР аэронавигация маълумотлари тўплами, электрон шакилдаги аэродром ва ХТ ҳақида маълумотларни ўз ичига олади
АНМ	Аэронавигация маълумотлари
АНОП	Парвозларни аэронавигацион таминости
АО	Авиационная организация
АП САИ ГА	Авиационные правила службы аэронавигационной информации в гражданской авиации
АТИС	Автоматическая система вещания речевой информации о погоде и аэронавигационной обстановке на аэродроме
АФТН	Сеть авиационной фиксированной связи
БПИ	Бюллетень предполетной информации
ВВС	Военно-воздушные силы
ВПП	Взлётно-посадочная полоса
ВС	Воздушное судно

ВПВО	Войска противовоздушной обороны
ВТ	Воздушная трасса
ГА	Гражданская авиация
“Ўзавиация” агентлиги	Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги хузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги
ГСМ	Горюче-смазочные материалы
ИКАО	Международная организация гражданской авиации
ИПП	Инструкция по производству полетов на аэродроме или в районе аэроузла
ИСО	Международная организация стандартизации
КДП МВЛ	Командно-диспетчерский пункт местных воздушных линий
КЛС	Командно летный состав
МГц	Мегагерц
ОВД	Обслуживание воздушного движения
БРИФИНГ	Предполётное информационно-консультативное обслуживание
ПНР	Предварительный навигационный расчёт
АП РУз-91	Правила полетов в гражданской и экспериментальной авиации Республики Узбекистан
САИ	Служба аэронавигационной информации
САНОП	Служба аэронавигационного обеспечения полётов
СИТА	Авиационная телекоммуникационная система
СНГ	Содружество независимых государств
ТО ЦУАН	Территориальное отделение центра «Узаэронавигация» в аэропортах
УВД	Управление воздушным движением
SID	Стандартный маршрут выхода по приборам
STAR	Стандартный маршрут прибытия по приборам
SWX	Космическая погода
SWXC	Центр космической погоды
м. миля	морская миля (1852 м)
фут	фут (0,305 м)

ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ВАРАҒИ

Ўзгарт ириш ва қўшим- чалар	Кучга кириш санаси	Варақлар номери			Тасдиқла нган сана	Киритил ган сана. Ким томони-дан киритил ган
		Ўзгарт ирилга н	Янги	Олинган		

--	--	--	--	--	--	--